

МИРҚОТ АЛ-МАФОТИХ»АСАРИНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИ ВА УСЛУБИ

Усманов Мухторжон Турсунали ўғли

Мустақил тадқиқотчи

Дархақиқат, Али ал-Қорий «Мирқот ал-мафотих»нинг муқаддимасида шундай дейди: «Асарнинг асоси «Мишкот ал-масобих» асарини буюк услуб асосида давом эттириб, сўзларининг ҳаракатларини қўйиш ва ривоятларини маънолари билан биргаликда шарҳлаш керак деган фикрга келдим»¹.

Аллома ўз олдига қўйган мақсади ундан маълумот базасининг бойлиги, изоҳларни қайта кўриб чиқишга бўлган маҳорат ва ҳадисларнинг ривоят қилиниш йўллариини мукамал билишни талаб қилар эди. Чунки, ушбу йўналишларда етук мутахасис бўлмасдан туриб ҳадисшунослик соҳасида ёзилган бу асарга шарҳ ёзиш бир мунча мушкул иш эди.

Али ал-Қорий мана шу шарафли ишнинг боисини аниқ кўрсатиб шундай дейди: «Ҳижратнинг биринчи минг йиллигида, илм ва амал заифлашган, давр тақозоси мени шунга қўл уришга ундади. Бошқа бир жиҳатдан, буни имоннинг заифлашган даври деса ҳам бўлади»². Бу фикр албатта, ўша давр зиёлиларининг илм соҳаларига бўлган эътиборсизликлари ва ҳақиқий маълумотларни кўра-била туриб тан олмаганликларига нисбат қилиб айтилган фикрдир.

«Мишкот ал-масобих» асари шарҳловчиларининг аксари қисми Имом Шофеъий³ мазҳабидаги шахслар бўлганлар, шунинг учун улар ўз эҳтиёжлари жиҳатидан келиб чиқиб, китобда ўз мазҳабларига тааллуқли бўлган

¹ Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобих. – Байрут: Дор ал-фикр, 1994. Ж. 1. – Б. 9.

² Ўша асар. – Б. 12.

³ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофеъ ибн Соиб ибн Абдулязид ибн Ҳошим ибн Мутталиб ибн Абдуманоф (куняси Абу Абдуллоҳ ал-Қурайший) ҳижратнинг 150 йили Ғазза шаҳрида таваллуд топдилар. Бу киши Шофеъий мазҳабининг асосчиси, фақиҳ, муҳаддис имомлардан. бири

масалаларни зикр қиладилар, зарурий йўналишдаги ҳадисларнинг зоҳирий томонларидан далил сифатида фойдаланадилар ва мана шу фикр билан кифояланадилар. Шунингдек, уларнинг фикрича, ҳанафий мазҳабидаги «Асҳоб ар-раъй»лар ўз фикрларига эргашувчилардир, яъни, асли улар ҳадисларни яхши билмайдилар ва уларни қадимда қандай ривоят қилинганлиги ва келиб чиқишини яхши билмайдилар. Бироқ шундай бўлсада, ўз мазҳабларида заиф ҳадисни қуруқ қиёсдан устун қўядилар⁴.

Бизнинг фикримизча, Али ал-Қорийнинг бу ишга қўл уришга ундаган яна бир сабаб, бошқа шарҳловчиларнинг ҳанафий мазҳабида бўлган нотўғри қарашлардир. Нуриддин Абу-л-Ҳасаннинг ўзи бу фикрни исботлаб «Мирқот ал-мафотих» асари муқаддимасида шундай дейди: «Ушбу фикрдан келиб чиқиб, фикҳий илмдан ҳабари бўлмаган халқнинг ҳанафий масалалари ҳаниф (покиза) далилларга нисбатан хилоф экан, деб уйламасликлари учун уларнинг ўз шарҳларида келтирган далилларни кўздан кечиришга, масалаларини баён қилишга ва муҳолифатларини даф қилишга қўл урдим»⁵.

Али ал-Қорий бу асарда ҳадислар борасида айтилган ҳамма шарҳлар ва изоҳларни бир ерга жамлайди, шунинг учун ҳам «Мирқот ал-мафотих» ни том маънода унғача ёзилган ҳадис шарҳларининг жамланмаси десак муболаға бўлмайди.

«Мирқот ал-мафотих» асари ҳозирги давр олимларининг диққат марказида турувчи асарлар сирасига киради. Улар томонидан асарнинг қадимги қўлёзма нусхалари (Искандария кутубхонаси инв. №297.124-B4) танлаб олинди ва янги нашр ҳолида чоп этилган.

«Мирқот ал-мафотих» асарининг янги нусхаси барча масалаларни сўзма-сўз таърифлаган ҳолда чоп этилган. Ушбу икки йирик нашриёт Байрутда «Дор ал-фикр» марказида нашр қилинган 11 жилддан иборат

⁴ Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобих.— Байрут:Дор ал-фикр,1994. Ж. 1.— Б. 10.

⁵Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобих.— Байрут:Дор ал-фикр,1994. Ж. 1.— Б.19.

нусхаси ва худди шу асарнинг Қоҳира шаҳрида «Дор ал-кутуб ал- исламий» нашриётида чоп қилинган нусхаси «Мирқот ал-мафотих» асарининг асл нусхасини таҳрир қилиш ва қайта кўриб чиқиш билан китобнинг асл нусхасига мувофиқ янги замонавий нусхасини дунё илм аҳлига тақдим қилдилар. Яратилган замонавий нусхаларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар асарнинг қадимги асл нусхасида қўлланилган илмий структурани ўзида сақлаб қолган ва сўзларининг замирида ётувчи ҳар бир маънони ва унинг фойдасини оммабоп тарзда баён қилади.

«Мирқот ал-мафотих» асарининг «Дор ал-фикр» нашриёт марказида нашр қилинган нусхасининг масъул муҳаррири Сидқий Муҳаммад Жамил ал-Аттор нашр жараёни ҳақида шундай дейди: «Мирқот ал-мафотих» асарининг қадимги, бундан минг йил балки, ундан ҳам олдинроқ ёзилган нусхаси Қоҳира шаҳрида Жаноб Халил ал-Мийсининг шахсий кутубхонасида учратдик. У ушбу нусхани бизга чоп қилиш, ундаги фойдали бўлган маълумотларга қўшимчалар киритган ҳолда китобхонларга тарқатиш учун тақдим қилди ва мана шу машаққатли йўлда бизни қўллаб-қувватлади⁶.

«Мирқот ал-мафотих» нинг энг қадимий нусхаси бир марта нашр қилинган бўлиб, ундаги сўзларнинг тузилиши ва нашр борасида айрим камчиликлар мавжуд. Қўлёзманинг ҳолати ёмонлиги уни сўзларини ўқиш бир мунча қийинчилик туғдирарди. Айрим олимлар томонидан унинг қайта наشري фотосуратга туширилиб афсет ҳолида чоп қилинган, бироқ, бу қайта нашрда айрим бўлимлардаги баъзи саҳифалар йўқотилган ва уларнинг ўрнига бошқа саҳифалар қайси бўлим бўлишидан қатъий назар ўша рақам остида келтирган. Бу билан улар бўлимлардаги саҳифалар рақамининг кетма-кетлиги ундаги сўзларнинг изчиллигисиз ва бирин кетинлигисиз сақлашга ва асраб қолишга уринишган. Қисқа қилиб айтганда, нусханинг шаклини асос нуктаи назаридан сақлашга ҳаракат қилинган бироқ, бу билан унинг маъноси ўзгарган.

⁶Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобих. – Байрут: Дор ал-фикр, 1994. Ж. 1.–Б. 12.

Сидқий Муҳаммад Жамил ал-Аттор бу ҳақда шундай ёзади: «Аллоҳ таоло бизга «Мирқот ал-мафотих» асарининг қўлёзмасига Дамашқ шаҳрида кўришни насиб қилди. У «Мирқот ал-мафотих» ва «Мишкот ал-масобих» асарларини ўзида жамлаган қўлёзмалар тўплами бўлиб, ундаги баъзи саҳифалар тушириб қолдирилган, бироқ, бизга тушириб қолдирилган ушбу саҳифалар қўлёзманинг ўзиданми ёки эътиборсизлик билан суратга тушириш йўли билан қилинганлиги маълум эмас»⁷.

Шунингдек, Сидқий Муҳаммад Жамил асарни янада бойитиш мақсадида Абдуллоҳ ал-Хатиб ат-Табризий ўзининг «Мишкот ал-масобих» асарида ал-Бағавий томонидан ҳадис ровийлари ва махражи⁸ хусусида эътибордан четда қолдирган жойларни тўлдиргани ва буларни ўз асарида махсус боб остида 3 фасл кўринишида келтириш сабабларини қайта нашрда алоҳида кўрсатиб ўтади.

Биринчи фасл - бу бўлимда Имом ал-Бухорий⁹ ва Имом Муслимлар¹⁰ томонидан ривоят қилинган ҳадислар келтирилган. Шунингдек, уларнинг ўзаро келишувлари ёки улардан бирлари томонидан ривоят қилинган ҳадислар ифодаланган ҳолда турларга ажратилган. Агар бу ҳадисларда икки шайх билан биргаликда бошқа муҳаддис ва муҳаррижларнинг исмлари иштирок этган бўлса, «Мишкот ал-масобих» ва «Мирқот ал-мафотих»да баён қилиниши билан кифояланилган, ўз навбатида бу услуб икки шайхнинг ривоят қилишдаги маҳоратларини кўкка кўтариш учунлиги яққол намоён бўлади.

Иккинчи фасл - Икки шайхдан бошқа муҳаддислар орқали етказилган

⁷ Ўша асар.– Б. 2.

⁸ Махражи-ҳадисларнинг асл келиб чиқиши, келтирилган китоби, ровийси ва мусаннифлари.

⁹ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ Бухорий.– Байрут-Ливан: Дарул кутуб ал-илмий, 1999. Ж. 1.

¹⁰ Абу ал-Хусайн Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Найсабурий. Саҳиҳ Муслим. – Байрут: Дар ал- кутуб ал-илмий, 2000. Ж. 1.

ҳадислар. Улар: ат-Термизий,¹¹ Абу Довуд,¹² Ибн Можа,¹³ ад-Доримий,¹⁴ ан-Насоий,¹⁵ ад-Доркутний, Имом Аҳмад¹⁶ ва ҳадис ривоят қилувчи бошқа олимлар ҳадислари бобнинг иккинчи фаслидан ўрин эгаллайди.

Учинчи фасл - «Мишкот ал-масобих» асари муаллифининг бундаги уриниши турли ҳадис китоблари ва шу бобга мувофиқ келувчи ҳадислардан танлаб олинган тўпламни ўзида мужассамлаштиради. Ат-Табризий бу билан ўз асаридаги ҳадислар сонини «Масобих ас-сунна» дан кўпайтиради, бироқ, уларни танлаётган пайтда ал-Бағавийнинг саҳобалардан ровийларга етиб келувчи ҳадислар иснодини¹⁷ ва махражини аниқлашда қўйилувчи шартларни сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Лекин, ал-Бағавийнинг «марфуъ»¹⁸ ҳадислар борасидаги фикрига қўшилмайди.

Шу ўринда, янги нашрда «Мирқот ал-мафотих» соҳиби Али ал-Қорийнинг ҳадисларни келиб чиқиши ҳақидаги унинг бошқа асарларида баён қилган қарашлари ҳам зикр қилинади, шунингдек, ровий ва бошқа имомлар ўртасидаги ҳадис ифодасининг турли туманлиги очиб берилади. Бунда муҳаррир ушбу ҳадисларнинг баъзиларини илм аҳли учун қимматли ҳисобланган аввалги имомлар китобларидан олиб, рақам ва қисмларга мувофиқлаштирган ҳолда ажратади. Шунингдек, у ҳадисларнинг асосий қисмини нашр этиш учун рақамланган ҳадисларни тартиблаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, Сидқий Муҳаммад Жамилнинг бу китобни нашрдан чиқаришдаги саъй-ҳаракатлари замонавий давр

¹¹ Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ва ҳува сунан ат-Термизий.–Байрут: Дор ал-ихё ат-турос ал-арабий, 1995.Ж. 1-5.

¹² Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ ал-Аздий Сижистоний Сунани Абу Довуд – Байрут:Дар ал- кутуб ал-илмий, 1996. Ж. 1-2.

¹³ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ал-Қазвиний.Сунан Ибн Можа– Байрут:Дар ал- кутуб ал-илмий,. 1995.Ж. 1-2.

¹⁴Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн ал-Фазл ибн Баҳром ат-Тамимий ас-Самарқандий ад-Доримий.Сунан ад-Доримий – Байрут:Дар ал- кутуб ал-илмий, 1996. Ж. 1.– Б. 347.

¹⁵ Аҳмад ибн Шуъайб ибн Али ибн Синон ибн Баҳр ибн Динор Абу Абдуллоҳ ан-Насоий.Ас-Сунан ал-Кубро – Байрут:Дар ал- кутуб ал-илмий, 1997. Ж. 1.

¹⁶ Аҳмад ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн Асад Идрис ибн Абдуллоҳ ибн Ҳайён ибн Абдуллоҳ ал-Бағдодий. – Байрут:Дар ал- кутуб ал-илмий, 1998. Ж. 1.

¹⁷ Иснод- ровийдан ҳадиснинг матнигача етказиб, боғловчи кишиларнинг силсиласи.

¹⁸ Марфуъ-саҳобалар жамоасига нисбат берилган хабар, сўз, амал, тақрирлар ҳисолабланади.

ҳадисшунослигидаги янги йўналиш бўлиб 11 жуздан иборат бўлди. Хатиб ат-Табризийнинг «Мишкот ал-масобих» асаридаги ҳадислар сони 6275 тани ташкил этади. Биз ўрганаётган «Мирқот ал-мафотих» асаридаги ҳадислар сони 6294 тани ташкил этади. 19 та ҳадис фарқ қилишига сабаб юқорида санаб ўтилган манбаларнинг турли ҳил ва турли ҳолатда бўлганлиги сабаб бўлса керак .

Асар аввал имон китоби билан бошланиб маноқиб масалаларига оид ҳадислар билан тугатилган;

1. Имон ва ақоидга оид ҳадислар.
2. Сунан – ҳукмларга тегишли ҳадислар.
3. Латиф сўзлар ва зухд – руҳий ва ахлоқий юксалишни мақсад қилинган ҳадислар.
4. Одоб –ейиш-ичиш, ўтириш-ётиш, гаплашиш, кийиниш ва шунга ўхшаш масалалар одобини баён қилган ҳадислар.
5. Тафсир – Қуръони каримни баъзи оятларини тафсири ва шарҳига оид ҳадислар.
6. Сияр – тарих ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари билан боғлиқ ҳадислар.
7. Фитналар – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотидан кейин қиёматга қадар воқеъ бўладиган келажак ҳодисаларидан баҳс қилган ҳадислар.
8. Маноқиб – баъзи шаҳарларни, шахсларни ёки қабилаларни айблаб қоралаш ёки мақтаб мадҳ қилиш билан боғлиқ ҳадислар.

11-жуз тўлалигича алифболи харфлар фихристлар (кўрсаткич)дан иборат. Асарда ҳадислар ва ровийлар мундарижаси, китобда фойдаланилган асарлар мундарижаси, мавзулар мундарижаси билан якунланади.

Ҳулоса ўрнида асарда жами 6294 та ҳадисларнинг шарҳи келтирилган. Ундан 4871 қовлий ¹⁹ ҳадислар, 869та феълий²⁰ ҳадислар, 388 та осорлар,

¹⁹Қовлий-ҳадис.Набий(с.а.в.)нинг турли ҳолат ва муносабатларда айтган гаплари ҳисоланади.

²⁰Феълий-ҳадис.Набий(с.а.в.)нинг турли ҳолат ва муносабатларда қилган ишлари-амаллари

124та қайтариқ ҳадислар, 26 та буюриқ маъносидаги ҳадислар, 40та қудсий²¹ ҳадислар, 16 та ҳукм маъносидаги ҳадислар батафсил шарҳ қилинган.

Ушбу асар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бизгача етиб келган ҳадисларни дунё аҳлига етказиб беришдаги услубнинг такомилига етказалишининг яна бир босқичи демакдир. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу китоб дунё кутубхоналари бозорида узоқ вақтлар дом-дараксиз йўқолган ва шу вақт оралиғида у олимлар томонидан изланаётган эди. Унга бўлган талаб-эҳтиёжнинг ортиши китобни қайтадан нашрдан чиқаришга сабаб бўлди, бу билан эҳтиёж барҳам топиб, илм аҳли талаби қондирилди ва кутубхоналар мана шундай ҳадис китоблар билан бойитилмоқда.

Фойдаланиган манба ва адабиётлар

1. Али ал-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳ Мишкот ал-масобих. – Байрут:Дор ал-фикр,1994. Ж. 1.– Б. 9.
2. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ Бухорий.– Байрут-Ливан: Дарул кутуб ал-илмий,1999. Ж.1.
3. Абу ал-Хусайн Муслим ибн ал-Хажжож ал-Қушайрий ан-Найсабурий.Саҳиҳ Муслим. – Байрут:Дар ал- кутуб ал-илмий, 2000. Ж. 1.
4. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ва ҳува сунан ат-Термизий.–Байрут: Дор ал-ихё ат-турос ал-арабий, 1995.Ж. 1-5.
5. Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ ал-Аздий Сижистоний Сунани Абу Довуд – Байрут:Дар ал- кутуб ал-илмий, 1996. Ж. 1-2.
6. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ал-Қазвиний.Сунан Ибн Можа– Байрут:Дар ал- кутуб ал-илмий,. 1995.Ж. 1-2.

ҳисоланади.

²¹Қудсий-ҳадис.Бизга Набий(с.а.в.)дан нақл қилинган ва айтилиши Аллоҳ таолога нисбат берилган ҳадис.

7. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн ал-Фазл ибн Баҳром ат-Тамимий ас-Самарқандий ад-Доримий.Сунан ад-Доримий – Байрут:Дар ал- кутуб ал-илмий, 1996. Ж. 1.
8. Аҳмад ибн Шуъайб ибн Али ибн Синон ибн Баҳр ибн Динор Абу Абдуллоҳ ан-Насайй.Ас-Сунан ал-Кубро – Байрут:Дар ал- кутуб ал-илмий, 1997. Ж. 1.
9. Аҳмад ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн Асад Идрис ибн Абдуллоҳ ибн Ҳайён ибн Абдуллоҳ ал-Бағдодий. – Байрут:Дар ал- кутуб ал-илмий, 1998. Ж. 1.